

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 15 кунда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Ибрагимов, судья ёрдамчиси Ҳ.Абдубоқиевнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорнинг ёрдамчиси И.Кувондиқов, судланувчи С.Гулямов ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Махмудов, жабрланувчи Ш.Бегматовнинг иштирокида, судланувчи Гулямов Санжар Хасановичга нисбатан бўлган №1-1401-2503/272-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Гулямов Санжар Хасанович** (Gulyamov Sanjar Hasanovich), 1987 йил 10 сентябрь кuni Тошкент шаҳарида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2025 йил 13 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, мавсумий ишчи, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кўкча МФЙ, Ахил 3-тор кўча, 38-уйда яшайди, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 27 февраль кунда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Гулямов Санжар Хасанович ўзганинг кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил сентябрь ойида “Инстаграм” ижтимоий тармоғида “Зиначилар” номли профил очиб, ушбу профилда турли хилдаги зиналарни сурат ва видеоларини жойлаб унга мижоз сифатида келган фуқаро Бегматов Шехроз Фарходовичнинг яшаш ҳонадонига 14.000 АҚШ долларига зина ясаб беришни ваъда қилиб, Ш.Бегматовдан 2024 йил 9 сентябрь кuni жами 121.371.600 сўмга тенг (09.09.2024 йил ҳолатига кўра 1 АҚШ доллари 12.371.6 сўмга тенг) бўлган 10.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчасида олиб, амалда бирор бир турдаги



зиналарни ясаб бермасдан, шу кунга қадар унинг пулларини қайтариб бермасдан, уларнинг пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, олган пулларни ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи Гулямов Санжар Хасанович суд мажлисида айби тўлиқ икромлик билдириб, 2012 йилдан буён темирчилик ва ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келишини, инстаграмда “Woodlux” номли канали бор бўлиб, ушбу каналга ўзи томонидан ясалган зиналарни қўйиб боришини, 2023 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида яшовчи Бегматов Шеърроз исмли шахс билан танишиб қолгани, у ўзининг Самарқанд шаҳрида жойлашган янги турар уйига зиналар ясатмоқчи эканлигини айтгани сабабли Самарқанд шаҳрига бориб, ушбу уйни кўриб, 14.000 АҚШ долларига зиналар ясаб беришини айтиб, ундан аванс сифатида 10.000 АҚШ долларини видеоёзувлар ва тилхат асосида Самарқанд шаҳрида олгани, сўнг ушбу пулларнинг тахминан 6.000 АҚШ долларига зина ясаш учун Хитой давлатидан хомашёлар олиб келгани, қолган 4.000 АҚШ долларини эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлагани, сўнг оилавий ҳаражатлари кўпайиб кетганидан сўнг ушбу зиналарни таёрлаб бераолмагани, 2024 йил сентябрь ойларида пуллар етишмай қолганлиги сабабли устачиликни йигиштириб устахонасини ёпгани, ҳозирги кунда етказилган зарарларни қоплаб бергани, қилмишидан пушаймон эканлигини, шу сабабли унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашликни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Бегматов суд мажлисида, ўзига тегишли бўлган Самарқанд шаҳар Булоқ кўчаси 42-уйда жойлашган ерда янги иморат кураётгани, у икки қаватдан иборат бўлганлиги сабабли уларни боғловчи зиналар қўйдириш истагида бўлгани, “Инстаграм” ижтимоий тармоғидан ўз каналига эга бўлган Гулямов Санжар Хасанович билан танишиб қолгани, у С.Гулямовнинг шахсий канали бўлиб, унда ўзи томонидан ясалган бир қанча маҳсулотларни реклама қилгани, каналга чиройли зиналар ва бир қанча метал буюмлар ясаганлигини кўргани, сўнг С.Гулямов билан боғланганида Тошкент шаҳрига келган пайтида бир келиб ўтса, ҳаммасини кўрсатиб тушунтиришлигини айтгани, 2023 йилнинг август ойи охирларида Тошкент шаҳрига борганида С.Гулямовнинг устахонасига боргани, шу пайти С.Гулямов ўзи ясаган зиналарни ва устахонасини кўрсатгани, ўйи учун қанча пулга зина ясаб беришини сўраганида уйни келиб кўриб, кейин нархини айтишини билдиргани, бир ҳафта ўтгач С.Гулямов Самарқанд шаҳридаги Булоқ кўчаси 42-уйга олиб келиб уйини кўрсатгани, шунда у зинани ёнғоқ дарахтидан қилиб беришини, мустаҳкам бўлишини айтиб, 14.000 АҚШ доллари бўлишини маълум қилгани, сўнг учидан 10.000 АҚШ долларини олиб 2023 йилнинг ноябрь ойига қадар ишларни битказиб беришлигини айтгани, С.Гулямов ўйдаги усталар ишларни тугатганидан сўнг ишларни бошлашини айтгани, уйдаги бошқа усталар ишларни бироз кечиктириб 2024 йил январь ойида тугатгани, шунгача С.Гулямов зиналарни таёрлаб қўйганлигини, усталар ишларни тугатиши биланоқ қўйиб беришлигини телефон орқали айтиб кетгани, аммо бирор бир маротаба уларнинг ватанларини ҳам ташлаб бермагани, усталар 2024 йилнинг январь ойида ишларни тугатганидан сўнг бир неча марта С.Гулямовга телефон қилиб



зиналарни қўйиб кетишлигини айтганига қарамасдан бир неча мартаба уларни пайсалга солиб олиб келиб бермагани, 2024 йил июнь ойида Тошкент шаҳрига бориб, С.Гулямовнинг ишхонасига борган пайтида ушбу ердаги усталар С.Гулямовни анчадан бери ишламаётганлигини, айтганидан сўнг ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда С.Гулямов олган пулларини яқин қариндошлари тўлаб бергани, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Шунингдек, судланувчи Ш.Р.Жиняовнинг айби жиноят иш хужжатларида мавжуд бўлган ва суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, билдирги, дискни кўздан кечириш баённомаси, фотожадвали, С.Гулямов ва Ш.Бегматов томонидан пул олди бердиси тўғрисидаги ёзма келишув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, фотожадвали, С.Гулямов томонидан пулларни олиш жараёни акс этган видео тасвирлар, сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, тергов органи томонидан С.Гулямовнинг ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-моддасида “фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб;

7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб, 20-бандида, “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъий назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, анча, кўп ёки жуда кўп миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунидаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 16-банди биринчи хатбошисида “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида



маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” деб кўрсатилган.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган айб эълон қилиш қарори ва айблов ҳулосасида, судланувчи С.Гулямов фуқаро Ш.Бегматовнинг яшаш ҳонадонига 14.000 АҚШ долларига зина ясаб беришни ваъда қилиб, ўзаро келишиб, Ш.Бегматовдан 2024 йил 9 сентябрь куни жами 121.371.600 сўмга тенг (09.09.2024 йил ҳолатига кўра 1 АҚШ доллари 12.371.6 сўмга тенг) бўлган 10.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олиб, қолган қисмини кейинчалик олишини айтиб, фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаган.

Шундан келиб чиқиб, судланувчи С.Гулямовнинг ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандидан, ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишликни лозим деб топади.

Суд, судланувчи С.Гулямовнинг айбига иқрор бўлиб пушаймонда эканлиги, зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи С.Гулямовга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, ҳамда 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътирофли кўрсатмаларга риоя қилиб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарни қоплаб берганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, содир этган ижтимоий хавфли қилмишини инобатга олиб, унга нисбатан содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тўзатиш ишлари жазосини тайинлашликни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2025 йил 13 январдаги ҳукми билан тайинланган жазосини қисман қўйиш



йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланшни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида С.Гулямовнинг қамокда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегириб ташлашни, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2025 йил 13 январдаги ҳукми кўра С.Гулямовга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, унинг “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилингани ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 16.12.2024 йилдаги ажрими билан унга нисбатан сиртдан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани сабабли суд залида қамокдан озод қилинмаганлигини инобатга олиб, унинг қамокда сақланган вақтини 2025 йил 13 январь кунидан бошлаб ҳисоблашни, унга қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залида қамокдан озод қилишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи Ш.Бегматовга судланувчи С.Гулямов томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва жабрланувчининг моддий ёки маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси йўқлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454,457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд –

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

**Гулямов Санжар Хасанович** (Gulyamov Sanjar Xasanovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2025 йил 13 январдаги ҳукми билан тайинланган жазосини қисман кўшиш йўли билан узил-кесил С.Гулямовга ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан С.Гулямов 2025 йил 13 январь кунидан 2025 йил 15 апрель кунига қадар қамокда сақланган (3 ой 2 куннинг) ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ва тайинланган жазодан (9 ой 6 кунни) чегириб, унга ўташ учун 2 (икки) йил 2 (икки) ой 26 (йигирма олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ИИБ Пробация бўлими бошлиғи зиммасига юклатилсин.



Судланувчи С.Гулямовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Жабрланувчи Ш.Бегматовга судланувчи С.Гулямов томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчининг моддий ёки маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи:**  
**Нусхаси аслига тўғри**

ИМЗО

**Ж.Ибрагимов**

